




ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙСИ

2023 йилнинг 1 ярим йиллиги давомидаги ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИ

01.07.2023 йил
Тошкент, Ўзбекистон

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ САҚЛАШ ВА ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

2023 йилнинг 01 июлидаги ҳолатга кўра, Марказий депозитарийда 614 акциядорлик жамиятининг 180 233,53 млрд.сўм умумий номинал қийматга эга 16 443,21 млрд.дона қимматли қоғозлар чиқарилишлари ҳисоби юритилмоқда.



2023 йилнинг 1 ярим йиллиги давомида қимматли қоғозлар чиқарилишлари ҳажми 13 471,04 млрд. сўмга кўпайди, акцияларнинг сони эса 2,80 млрд. донага камайди.

Марказий депозитарийда шунингдек, 29 эмитент томонидан чиқарилган 846,80 млрд.сўм умумий миқдорга эга 557,8 минг дона корпоратив облигациялар ҳисоби юритилмоқда. Уларнинг 592,63 млрд.сўм умумий миқдорга эга 343,6 минг донаси 23 МЧЖ томонидан чиқарилган.

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ

01.07.2023 йилдаги ҳолатга кўра, 232 та акциядорлик жамиятидаги давлат улуши 148 778,3 млрд.сўмни ташкил этди (шу жумладан, Марказий депозитарийда 215 акциядорлик жамиятининг 148 734,66 млрд.сўм миқдордаги акция кўринишида давлат улуши ҳисоби юритилмоқда). 2023 йилнинг 1 ярим йиллиги давомида устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари сони 9 тага, мавжуд давлат улуши ҳажми эса 14 202,9 млрд.сўмга ортди.

Хўжалик бошқаруви органларининг 141 АЖ устав фондидаги улушлари ҳажми 3 476,0 млрд.сўмни ташкил этди. 2023 йилнинг 1 ярим йиллиги давомида хўжалик бошқаруви органлари активларининг ҳажми 4 134,8 млрд.сўмга, АЖлар сони эса 21 тага камайди.



ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Марказий депозитарий Ўзбекистон Республикаси депозитар тизимида қимматли қоғозларнинг ягона ҳисоби юритилишини таъминлайди. 2023 йилнинг 1 ярим йиллиги давомида Марказий депозитарийга қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қимматли қоғозлар чиқарилишларига хизмат кўрсатиш бўйича 88 та ҳужжатлар тўплами келиб тушди.

Ҳисобот даврида Марказий депозитарийда жами 44 та, шу жумладан 9 – бирламчи, 25 - қўшимча қимматли қоғозлар чиқарилишлари, 3 та қўшиб олиш бўйича қўшимча акция чиқарилишлари, шунингдек 7 та корпоратив облигация чиқарилиши ҳисобга олинди. Тугатилганлиги муносабати билан 22 эмитентнинг қимматли қоғозлар чиқарилишлари, 11 эмитент қимматли қоғозлар чиқарилишларининг қисми Марказий депозитарий ҳисобидан чиқарилди.

2023 йилнинг 1 ярим йиллиги давомида Марказий депозитарий томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишларини ўтказиш, шунингдек бошқа корпоратив ҳаракатларни амалга ошириш учун 1915 та реестр шакллантирилди. 640 маҳаллий эмитентнинг 840 турдаги қимматли қоғозларига халқаро кодлар берилди.

ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

Марказий депозитарий инвестиция фондлари томонидан чиқарилган ва уларга тегишли бўлган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар ҳисобини юритиш бўйича мутлақ функцияларини бажарган ҳолда, 2 та ХИФ ва 7 та инвестиция фондларига хизмат кўрсатади.

Ҳисобот санасига инвестиция фондлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар ҳажми 2,32 млрд.сўмни, инвестиция фондлари томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳажми эса 7,44 млрд.сўмни ташкил этди. Инвестиция фондлари акциядорлари сони 50 010 тани, шу жумладан 49 973 та жисмоний ва 37 таси юридик шахсларни ташкил қилди.

ИНВЕСТИЦИЯ ВОСИТАЧИЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЮРИТИШ

Марказий депозитарий, шунингдек 53 инвестиция воситачилари ва уларнинг мижозларининг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобини юритади.

01.07.2023 йил ҳолатига кўра, инвестиция воситачиларининг депо ҳисобварақларини очган мижозлари сони 690,56 мингга, шу жумладан 58,04 минг юридик ва 632,52 минг жисмоний шахсларни ташкил этди. Ўтган йилнинг айнаи шу даврига қиёслаганда, депо ҳисобварақлари сони 2,66 фоизга камайган.

Инвестиция воситачилари томонидан ҳисоби юритиладиган қимматли қоғозларнинг умумий ҳажми номинал қиймати бўйича 12 933,12 млрд. сўм миқдордаги 7 022,56 млрд. дона қимматли қоғозни ташкил этди. Ўтган йилнинг айнаи шу даврига нисбатан инвестиция воситачилари томонидан ҳисоби юритиладиган қимматли қоғозлар ҳажми 26,63 фоизга ортди.

Марказий депозитарий томонидан ҳисобот даврида 23 831,99 млрд.сўм миқдордаги 12 596,53 млрд. дона қимматли қоғозлар бўйича 86 та биржадан ташқари битимлар рўйхатга олинди. Рўйхатга олинган биржадан ташқари битимлар бўйича депо ҳисобварақларига 104 та ўтказмалар амалга оширилди.

ИНВЕСТИЦИЯ ВОСИТАЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИГАН ДЕПО ҲИСОБВАРАҚЛАРИ СОНИ (минг дона)



ИНВЕСТИЦИЯ ВОСИТАЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ҲИСОБИ ЮРИТИЛАДИГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ҲАЖМИ



ДЕПОНЕНТЛАРНИНГ ЯГОНА БАЗАСИ

Марказий депозитарий томонидан юритиладиган депонентларнинг ягона базаси 01.07.2023 йил ҳолатига 784 345 ни, шу жумладан 721 281 жисмоний шахсни ва 63 064 юридик шахсни ташкил этди.

Депонентларнинг ягона базасида рўйхатга олинган шахслар сони ўтган йилнинг айна шу даврига нисбатан 124 707 тага камайди.

01.07.2022



65 383

■ Юридик шахслар

■ Жисмоний шахслар

843 669

01.07.2023



63 064

■ Юридик шахслар

■ Жисмоний шахслар

721 281

АХБОРОТ-МАСЛАХАТ ХИЗМАТЛАРИ

Марказий депозитарий республика фонд бозорида йирик институтлардан бири сифатида ўз мижозларига кенг миқёсдаги депозитарлик ва ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиб келмоқда.

2020 йилда Марказий депозитарий томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишларини Интернет тармоғи орқали онлайн тарзда масофадан туриб ўтказишга мўлжалланган янги “Электрон овоз бериш - e-VOTE” хизмати жорий этилди. 2023 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида эса АЖ акциядорларининг 28 та йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишлари “Электрон овоз бериш - e-VOTE” хизматидан фойдаланган ҳолда, масофавий тарзда ўтказилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Марказий депозитарий томонидан жорий йилнинг иккинчи чорагида EVOTE.UZ электрон овоз бериш платформасида акциядорлик жамиятлари Кузатув кенгашларининг мажлисларини ва МЧЖ таъсисчилари йиғилишларини ўтказишни кўзда тутадиган дастурий модуль ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Шунингдек, ҳисобот даврида 9 акциядорлик жамиятига корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатилди.

БИЗНЕС-ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Марказий депозитарий томонидан қимматли қоғозлар бозоридаги янги фаолият йўналишларини аниқлаш, шу жумладан халқаро тажрибани чуқур ўрганиш, бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, асосий маъмурий ва операциял жараёнларни мақбуллаштириш, хорижий депозитарийлар ва чет эл молия ва фонд бозорларида фаолият юритувчи молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик юритиш асосида иш олиб борилмоқда.

Хорижий контрагентлар ва вакиллар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, халқаро стандартларга мувофиқ тузилган ва стандартлаштирилган хабарлардан фойдаланган ҳолда, қимматли қоғозлар билан операцияларни ва корпоратив ҳаракатларни дунёдаги энг йирик ахборот узатиш тармоғи орқали амалга ошириш имкониятини таъминлаш мақсадида BIC code - SNCUZZ22 га эга бўлинди ва ушбу хизмат ўрнатиш ва созлаш ишлари амалга оширилди, тижорат банклари ва хорижий марказий депозитарийси билан биргаликда синов ишлари ўтказилди. Шу билан бирга «SMART SWIFT» платформасида ходимларни SWIFT фойдаланувчиларининг ўқув курсига ўқитиш ишлари амалга оширилди.

Халқаро марказий депозитарийлар билан ўзаро алоқаларни давом эттириш мақсадида жорий йилнинг январь ойида Марказий депозитарийда Clearstream халқаро марказий депозитарийси вакиллари билан халқаро ҳамкорлик ва корреспондентлик алоқаларини ўрнатиш масалалари бўйича учрашув бўлиб ўтди. Йиғилишда Марказий депозитарийнинг жорий фаолияти ва ривожланиш стратегияси масалалари, хусусан, корпоратив ва давлат қимматли қоғозлари ҳисобини марказлаштириш, чет эллик номинал сақловчилар учун ҳисобварақлар очиш, SWIFT платформаси орқали тест хабарлари алмашиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Ҳисобот даврида Марказий депозитарий фаолиятининг халқаро тажрибага мувофиқ янги йўналишларини ўрганиш ишлари олиб борилди ва уларни амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрланди.

Даромадлар (дивидендлар) ва қимматли қоғозларнинг номинал қиймати тўловини амалга ошириш хизматини жорий қилиш масалаларини ўрганиш ишлари давом эттирилди. Дивидендларни тўлаш схемалари тайёрланди ва ушбу функция бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди ва капитал бозори иштирокчилари билан муҳокама қилиш учун қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи органга тақдим этилди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида бугунги кунда глобал маълумотлар ва молиявий бозор инфратузилмасини етказиб берувчи Refinitiv компанияси вакиллари билан онлайн учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Марказий депозитарий фаолиятини таваккалчиликларни бошқариш ва мувофиқлик нуқтаи назаридан ривожлантириш бўйича долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Марказий депозитарий фаолиятини янги функция ва хизматларни инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш, шунингдек, тегишли ички ҳужжатларни тайёрлаш мақсадида тегишли SWIFT хабарлари форматларини кўрсатган ҳолда, ҳар бир операциянинг бизнес жараёнларини батафсил тавсифлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳисобот даврида Марказий депозитарийни техник ва технологик модернизацияси, GAP ва SWOT таҳлили натижалари, ривожланиш стратегияси ва йўл харитаси, шу жумладан бизнес-талабларни тайёрлаш бўйича тадбирлар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш учун техник топшириқни ишлаб чиқиш бўйича бошқа маълумотларни ўз ичига олган тақдимот материаллари тайёрланди.

Шунингдек, бизнес-жараёнларни тавсифлаш ишлари давом эттирилди, хусусан, Camunda бизнес-жараёнларни моделлаштириш ва яратиш платформасида бизнес-жараёнларни тавсифлаш иши бошланди.

ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ БОШҚАРИШ

Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида таваккалчиликларни бошқариш тизимни такомиллаштириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида таваккалчиликларни бошқариш бўлими томонидан “Марказий депозитарийнинг таваккалчиликларни бошқариш сиёсати” ва “Таваккалчиликларни бошқариш услуги ва қоидалари” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ҳисобот даврида Марказий депозитарий фаолиятида таваккалчиликларни бошқариш тизимини жорий этиш мақсадида мувофиқлаштирувчи ходимлар билан биргаликда Марказий депозитарийнинг таваккалчиликлари матричасини ишлаб чиқиш бўйича иш олиб борилди, ўз-ўзини баҳолаш анкетаси сўрови ўтказилди ва таваккалчиликларни бошқариш бўйича тренинг-семинар ташкил этилди.

Шунингдек, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида Марказий депозитарийда монополияга қарши курашиш бўйича комплаенс тизимини жорий этиш мақсадида “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида монополияга қарши курашиш бўйича комплаенс тизимининг Низоми” ҳамда “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши хавфларини камайтириш бўйича йўл харитаси” ишлаб чиқилди.

МЕЪЁРИЙ-УСЛУБИЙ БАЗАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ҳисобот даврида Марказий депозитарий томонидан “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан E-vote электрон овоз бериш хизматидан фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш Қоидалари” лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Шунингдек, “Электрон овоз бериш”- E-Vote хизматини кўрсатиш тўғрисида намунавий шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида Марказий депозитарийнинг масъул мутахассислари томонидан Қимматли қоғозлар бўйича даромадларни (дивидендларни) ва қимматли қоғозларнинг қийматлари тўловларини Марказий депозитарий ва инвестиция воситачилари орқали амалга ошириш Тартиби лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” ДУК ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан “E-auction” электрон савдо платформасида акциялар савдосини амалга оширишда барча инвестиция воситачилари ва уларнинг мижозлари иштирок этиши учун тенг шароитлар яратиш мақсадида “Халқ IPOси асосида давлатга тегишли акцияларнинг онлайн-аукцион савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди ва “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” томонидан Вазирлар Маъкамасига кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” ДКнинг (устав фондиди ошириш бўйича) янги таҳрирдаги устави давлат рўйхатидан ўтказилди.

ТЕХНОЛОГИК ВА ДАСТУРИЙ МАЖМУА

Ҳисобот даврида Марказий депозитарий мутахассислари томонидан Шахсий кабинет дастурий таъминотида янги функционаллар киритилди. Хусусан, эмитентнинг шахсий кабинетидан реестрларни юклаб олиш, мижозларни рўйхатга олиш учун буюртмаларни қабул қилиш жараёни ўзгартирилди, брокерлар учун уларнинг мижозлари рўйхатини текшириш ва имзолаш функциялари қўшилди.

Марказий депозитарий ва Мажбурий ижро бюроси ўртасида электрон ахборот алмашиш бўйича технологик йўриқнома асосида депо ҳисобварағидаги қимматли қоғозлар сони тўғрисида маълумот олиш учун API ишлаб чиқилди. Ушбу интеграция инсон омилини камайтириш ва ахборотни олишни автоматлаштириш мақсадида амалга оширилди.

ANNA сервис бюроси томонидан тақдим этилган сатрлар тузилмасидаги ўзгаришлар асосида "ISIN" ААТда АННА учун сатрлар яратишга ўзгартириш киритилди.

Мижозларни тезроқ текшириш мақсадида ПОД/ФТ бўйича текширув такомиллаштирилди. Контейнерлаштиришни қўллаб-қувватлайдиган муҳитларда иловаларни жойлаштириш ва бошқаришни автоматлаштиришга имкон берувчи Docker дастури ўрганилди.

eVOTE дастурида мижозларни ПИНФЛ ёрдамида рўйхатдан ўтказишга ўзгартиришлар киритилди ва Oneld орқали кириш соналди.

eVOTE - электрон овоз бериш бўйича ишлаб чиқилган техник топшириқ reestr.uz сайтига юкланди ва Ахборот вазирлигидан экспертлик ҳулосаси олинди.

SWIFT тармоғига уланиш ва уни созлаш бўйича ишлар амалга оширилди. Ушбу босқичда SWIFT хабарларини юборишни синовдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Марказий депозитарийнинг янги веб-сайти ва унинг маъмурий қисмини ишлаб чиқиш, дивидендлар тўлови бўйича дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ҳисобот даврида “Шахсий кабинет” дастурий таъминотида янги функциялар қўшилди.

Веб-серверлар, шунингдек субдоменлар учун сайтни муҳофаза қилишни назарда тутадиган SSL сертификати созланди.

Ваколатли орган томонидан ўтказилган ахборот хавфсизлиги аудитининг хулоса ва таклифларига мувофиқ ишлаб чиқилган Ахборот хавфсизлиги сиёсатининг янги таҳрири “Киберхавфсизлик маркази” ДУКга экспертизадан ўтказиш учун юборилди.

ФАОЛИЯТНИ ТЕХНИК ВА АХБОРОТ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Марказий депозитарий базаси маълумотларининг захира нусхаларини яратиш мақсадида СУБД ИНФОРМИКСни ҳамда почта тизимини маъмурий бошқариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Ахборотни тезкор қайта ишлаш бўйича созлаш ишлари амалга оширилди.

Ҳисобот даврида Марказий депозитарий техник базасининг хатлови амалга оширилди.

Ягона дастурий-техник комплексда маълумотлар алмашиш бўйича иш юритиш ташқи каналлар орқали ташкил қилинди. Ундан ташқари, ЯДТКнинг барқарор ишлашини таъминлаш учун ҳимояланган VPN алоқа канали ёрдамида иш олиб борилди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида замонавий талабларга жавоб берадиган Kaspersky Total Security антивирус дастурий таъминотининг лицензияси янгиланди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилишда қулайликлар яратиш мақсадида кўп каналли, ўзбек, рус ва инглиз тилларида хизмат кўрсатишга мўлжалланган 71-211 09 09 телефон рақами орқали Call-марказ ишга туширилди. Шунингдек, муайян даражадаги хавфсизликни таъминлаш мақсадида тармоқни янада ажратиш учун бошқариладиган тармоқ калитлари ўрнатилди.

Ҳисобот даврида “REAL-SOFT” МЧЖ билан ҳамкорликда электрон овоз бериш дастурий маҳсулотини ишга туширишга тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Шунингдек, Марказий депозитарийнинг жисмоний серверларини (IS, DEVSRV, FSCSD, KERIO) виртуал ҳолатга ўтказиш ишлари амалга оширилди.

КАДРЛАР СИЁСАТИ

Марказий депозитарийнинг кадрлар сиёсати юқори малакали мутахассисларни максимал даражада қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ва истиқболли кадрлар билан ишлаш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

Шу муносабат билан Марказий депозитарийда ходимларнинг малакасини оширишга, замонавий технологиялар ва хорижий тилларни ўқитишга қаратилган тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Даставвал қимматли қоғозлар бозори, корпоратив бошқарув, ахборот технологиялари ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳисоботлар тайёрлаш каби йўналишларда ходимларнинг билим ва кўникмаларини чуқурлаштириш ва янгилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«SMART SWIFT» ўқув платформасидаги таҳсил натижаларига кўра, Марказий депозитарийнинг 8 нафар ходими SWIFT тизимида ишлаш бўйича малака сертификатига эга бўлишди.

Айни пайтда Марказий депозитарийнинг беш нафар ходими Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларининг сиртқи бўлимларида таҳсил олишмоқда. Университет талабалари орасидан ишга жойлашиш учун энг иқтидорли номзодларни топиш ишлари давом эттирилмоқда. Бундан ташқари, Марказий депозитарийда ходимлар учун инглиз тилини ўқитиш тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Марказий депозитарий Евроосиё марказий депозитарийлари ассоциацияси (ЕМДА) аъзоси сифатида ЕМДанинг халқаро ҳамкорлик бўйича ишчи гуруҳида ўз фаолиятини давом эттирди. 2023 йил 1 февраль кuni ишчи гуруҳ аъзоларининг онлайн йиғилиши бўлиб ўтди, унда ЕМДани ислоҳ қилиш масалалари, бўлажак семинар ва конференцияларнинг мавзулари ва форматлари кўриб чиқилди.

Буюк Британиянинг капитал соҳасидаги тажрибасидан фойдаланиш, Буюк Британиянинг етакчи инвестиция банклари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва IPO га тайёргарлик кўриш бўйича амалий тавсияларга эга бўлиш мақсадида 2023 йилнинг март ойида Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси иштирокида ташкил этилган «Capital Markets Workshop» онлайн-семинарида Марказий депозитарий вакиллари ҳам қатнашдилар. Семинар доирасида IPO ўтказиш, еврооблигациялар чиқариш, шунингдек, Лондон фонд биржаси орқали халқаро капитални жалб қилиш масалалари кўриб чиқилди. Лондон фонд биржаси вакиллари Қозоғистон компаниялари мисолида, муваффақиятли IPO ўтказиш нафақат йирик капитал оқимини, балки халқаро инвесторларни ҳам бозорга жалб қилиши мумкинлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ҳисобот даврида “Қозоғистон фонд биржаси” АЖ (KASE) делегацияси билан учрашув ўтказилди, учрашувда биржалар ва Марказий депозитарийлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳисоб-китоб тизимлари ва фонд бозори инфратузилмаси билан боғлиқ бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Марказий депозитарийда 2023 йилнинг май-июнь ойларида АТОН ва ALOR BROKER инвестиция компаниялари вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Мазкур учрашувларда тажриба алмашиш ва Ўзбекистон молия бозорини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилган бўлиб, унда иштирокчилар томонидан Ўзбекистон молия бозорини ривожлантиришнинг аҳамияти ва истиқболларига ишонч билдирилди.

Шунингдек, Марказий депозитарийда “Ситибанк” вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди, учрашувда хорижий инвесторларни жалб этиш ва қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини такомиллаштириш, халқаро стандартларга мос замонавий технологияларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

2023 йилнинг июнь ойида капитал бозори инфратузилмасини янада такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида компаниялар ва давлатга молиявий ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи SATORI инвестиция холдинги вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда Ўзбекистон молия бозорининг аҳамияти ва салоҳияти ҳамда унинг инфратузилмасини яхшилаш зарурати масалалари хусусида сўз юритилди.